- A) 9 B) 10 C) 11 D) 12 E) 13

12. Бир машина бориши керак бўлган йўлнинг  $\frac{1}{4}$  қисмини 12 соатда босди. Кейин тезлигини 3 марта орттирди. Қолган йўлни неча соатда босади?

- A) 6 B) 12 C) 18 D) 24 E) 28

13. Ораларидаги масофа 480 км бўлган икки машинанинг тезликлари V км/с ва 2V км/с. Бу машиналар бир вақтда ва бир йўналишда юришни бошлаганлар. Орқадаги машина олдиндаги машинага 12 соатдан кейин етиб олган. Буларга кўра V қанча?

- A) 20 B) 40 C) 60 D) 80 E) 120

14. Бир сотувчи 60 дона тухумни 200 тийиндан олиб, 25 фоиз устига қўйиб сотмоқчи бўлди. Фақат тухумларнинг бир қанчаси синиб қолибди. Бутунларининг устига 40 фоиз, синганларининг устига 10 фоиз қўйиб, кўзлаган фойдасига эришди. Буларга кўра бутун тухум неча дона қолган?

- A) 10 B) 20 C) 30 D) 40 E) 50

15. 100 фоиз фойдаси билан сотилаётган буюмни дўкандор ўқувчиларга 20 фоиз камайтириб сотди. Буларга кўра дўкандор ўқувчилардан неча фоиз фойда кўради?

- A) 20 B) 40 C) 50 D) 60 E) 80

16. "Пулимнинг 40 фоизи 46 фоиздан 48 тийин кам" деган боланинг ҳаммаси қанча пули бор?

- A) 640 B) 720 C) 800 D) 840 E) 900

17. Бир савдогар 1 метрини 1200 тийиндан олган матосини ювиб, қуритгандан сўнг 1800 тийиндан сотаяпти. Мато ювилиб қуритилганидан сўнг 20 фоизи қисқарди. Буларга кўра савдогар неча фоиз фойда кўради?

- A) 10 B) 15 C) 18 D) 20 E) 40

18. Бир савдогар килограми 120 тийиндан бўлган моддадан 15, килограми 160 тийин бўлган моддадан 13 кг ва килограми 200 тийин бўлган моддадан 12 кг олиб ҳаммасини аралаштирди. Савдогар зарар кўрмаслиги учун модданинг килограммини энг камида неча тийиндан сотиши керак?


- A) 130 B) 140 C) 145 D) 152 E) 157


19. Али ўртоғи билан ишнинг 20 фоизини бажарди. Кейин бўлса бир ўзи 4 кун ишлаб қолган қисмининг 25 фоизини бажарди. Али бу ишнинг ҳаммасини неча кунда қила олади?

- A) 16 B) 20 C) 24 D) 28 E) 32

20. 16 литрлик тузли сувнинг туз миқдори 15% дан 20% га чиқарилмоқчи. Берилганларга кўра аралашмадан неча литр сув буглантрилиши керак?

- A) 4 B) 6 C) 8 D) 10 E) 12





# ТЕНГЛАМА ТУЗИШГА ОИД МАСАЛАЛАР

ТЕСТ - 2

1. Бир соннинг ўндан биридан 10 ни олиб, ўндан бирини ҳисобласак, 10 ҳосил бўлди. Шу сонни топинг.

- A) 100 B) 110 C) 1000 D) 1010 E) 1100

2. Алининг пули Жамоникидан 50 сўм кўп, лекин Валининг пулидан 200 сўм кам бўлса, Валининг пули Жамонинг пулидан неча сўм кўп?

- A) 50 B) 100 C) 150 D) 200 E) 250

3. 60 кишилик ҳарбий қўшин 25 кунга етадиган озиқ-овқат билан таъминланган эди. 5 кундан кейин 10 киши ўлди. Қолган озиқ-овқат ҳарбий қўшинга неча кунга етади?

- A) 16 B) 20 C) 24 D) 27 E) 30

4. 1 килограмми 20 сўмдан олинган узумнинг 3 килограммидан 1 килограмм шарбат олинди, 72 сўмга сотилади. Узумнинг нарҳи 5 сўм камайганда фойда нисбатининг ўзгармаслиги учун шарбатнинг нарҳи аввалги нарҳидан неча сўм кам бўлиши керак?

- A) 18 B) 16 C) 15 D) 12 E) 11

5.  $x$  сўмга ясаиб,  $y$  сўмга сотиладиган бир буюмни яшаш ва сотиш нарҳлари орасида  $y=3x-386$  муносабат мавжуд. Фойда қолиши учун  $x$  нинг энг кичик бутун сон қиймати қанча бўлиши керак?

- A) 129 B) 130 C) 184 D) 185 E) 194

6. Бир парча симнинг учидан  $\frac{1}{8}$  қисми кесилса, симнинг ўрта нуқтаси бошлангич ҳолдагидан 4 смга ўзгарди. Бунга кўра дастлабки симнинг узунлигини топинг.

- A) 64 B) 48 C) 32 D) 24 E) 16

7. Бир қутида 100 сўмлик ва 500 сўмлик пулдан 90 дона бор. 100 сўмликларнинг йиғиндиси 500 сўмликларнинг йиғиндисига тенг бўлса, қутидаги пулларнинг йиғиндиси неча минг сўм?

- A) 10 B) 12 C) 15 D) 16 E) 18

8.  $a, b, c$  бир ишни биргаликда 8 кунда бажара оладилар.  $a > b > c$  бўлса, қуйидагиларнинг қайси бири  $a$  бўлиши мумкин?

- A) 25 B) 24 C) 23 D) 22 E) 21

9. Бир корхонада, устанинг кунлик маоши ёрдамчисиникидан 2 марта кўп ва ёрдамчисиники эса шогирдиникидан 3 марта кўп. Иш хонадаги шогирдлар сони ёрдамчилар сонидан 3 марта кўп ва ёрдамчилар сони эса усталар сонидан 2 марта кўп бўлиб, барча шогирдларга бериладиган пул  $a$  сўм, барча ёрдамчиларга бериладиган пул  $b$  сўм ва барча усталарга бериладиган пул  $c$  сўм бўлганлигига кўра, қуйидагиларнинг қайси бири тўғри?

- A)  $a < b < c$  B)  $c < b < a$  C)  $a = c < b$   
D)  $b < a = c$  E)  $a = b = c$

10. А шахрдан В га бориш учун бир вақтда йўлга чиққан икки автомобилдан бири 60 км/соат, бошқаси 85 км/соат тезлик билан ҳаракат қилмоқда. Бири бошқасидан 10 соат олдин В шаҳрига борганига кўра, А ва В ораси неча км?

- A) 2040 B) 1510 C) 1040

- D) 1010 E) 720

11. 150 м узунликдаги бир поезднинг тезлиги секундига 10 м . У бир тунелни 20 секундда ўтди. Бунга кўра тунелнинг узунлиги неча м?

- A) 50 B) 100 C) 150 D) 200 E) 250

12. Бир йўловчи борадиган манзилининг учдан бирини V тезликда, қолган йўлнинг ярмини 2V тезликда ва қолганини эса 3V тезликда юрди. Бунга кўра йўловчининг ўртача тезлиги қанча V бўлади?

- A)  $\frac{7}{5}$  B)  $\frac{8}{5}$  C)  $\frac{11}{7}$  D)  $\frac{12}{7}$  E)  $\frac{18}{11}$

13. Метри 8000 тийин бўлган газмол ювилганда 20% га қисқарди. Зарар бўлмаслиги учун ювилган газмолнинг метри энг оз неча тийиндан сотилиши керак?

- A) 8800 B) 9000 C) 9200  
D) 10000 E) 12000

14.  $x$  тийинлик мол 20% зарар билан  $a$  тийинга ва  $y$  тийинлик мол 20 % фойда билан  $b$  тийинга сотилади.  $a$  сони  $b$  сонидан 2 марта катта бўлса  $y$  сони  $x$  сонидан неча марта катта?

- A) 2 B) 3 C) 4 D) 5 E) 6

15. Али ва Вали ёшларининг йиғиндиси 51. 3 йилдан кейин Алининг ёши Вали ёшининг 2 мартасидан яна 6 йил ортиқ бўлади. Валининг ҳозирги ёши нечада?

- A) 30 B) 22 C) 16 D) 14 E) 9

16. Сотувчи бир молнинг 10%... 50% фойдаси билан, 60%ини 20% фойда билан ва 30%ини 30% фойдаси билан сотиб 1560 тийин фойда олди. Бунга кўра молнинг сотиб олинган нарҳи неча минг тийин?

- A) 5,6 B) 5,9 C) 6 D) 6,4 E) 6,9

17.  $a$  сони  $b$  сонининг 20% ига,  $b$  сони бўлса  $c$  сонининг 20% ига тенг.  $a$  сони  $c$  сонининг неча фоизига тенг?

- A) 10 B) 8 C) 6 D) 4 E) 2

18. Бир молнинг олиниш нарҳининг сотилиш нарҳига нисбати  $\frac{4}{5}$ . Бу сотишда фойда фоизини топинг.

- A) 15 B) 20 C) 25 D) 30 E) 35


19. Килоси 1500 тийин ва 2500 тийин бўлган гуручлар аралаштирилиб килоси 1800 тийин бўлган 40 кило гуруч ҳосил этилди. Бу аралашмага килоси 1500 тийин бўлган гуручдан неча кило аралаштирилган?

- A) 28 B) 29 C) 30 D) 31 E) 32

20. Шакарнинг миқдори 30% бўлган 150 гр шарбатда шакарнинг миқдори 45% бўлиши учун неча гр сув қолиши керак?

- A) 30 B) 50 C) 100 D) 120 E) 150





# ЕНГЛАМА ТУЗИШГА ОИД МАСАЛАЛАР


ТЕСТ - 3

- Кетма-кет икки жуфт сон берилган. Кичинасининг тўртдан биридан 2 та кам бўлган сон каттасининг бешдан бирига тенг бўлса, кичик сонни топинг?  
A) 48 B) 50 C) 52 D) 54 E) 56
- ab икки хонали сон,  $a+b=8$  ва  $ab=2.2a-17$  бўлса,  $a-b=?$   
A) 1 B) 2 C) 3 D) 4 E) 5
- Бир синфда ўқувчилар парталарга 2 тадан ўтирса, 6 ўқувчи жойсиз қолади. 3 тадан ўтирса 2 та парта бўш қолади. Синфда неча ўқувчи бор?  
A) 24 B) 25 C) 27 D) 30 E) 36
- 6 қолип ҳўл совун 1 кг, 8 қолип қуруқ совун 1 кг. Ҳўл совуннинг 1 кг ни 900 сўмдан олиб қуригандан сўнг 1600 сўмдан сотган сотувчи 6000 сўм фойда қилди. Сотувчи неча кг қуруқ совун сотган?  
A) 12 B) 15 C) 18 D) 20 E) 24
- Бир гуруҳдаги кишиларнинг ҳар бири қолганларига биттадан совға бериши керак. 156 та совға берилган бўлса, гуруҳда неча киши бор?  
A) 10 B) 11 C) 12 D) 13 E) 14

- Бир коса олма, коса билан бирга 21 кг. Косадаги олмалардан ярмини олганимизда, косада қолган олмаларнинг оғирлиги косаникидан 3 марта кўп. Косанинг оғирлиги неча кг?  
A) 2 B) 3 C) 4 D) 5 E) 6
- Бир ҳовузнинг  $\frac{1}{4}$  қисми сув билан тўлиқ. Ҳовузга 4 литр сув қўшганимизда ҳовузнинг  $\frac{1}{3}$  қисми тўлади. Ҳовузда дастлаб неча литр сув бор эди?  
A) 12 B) 9 C) 8 D) 6 E) 4
- Али ўтларнинг  $\frac{4}{7}$  қисмини бензин ускуна билан қолганининг ярмини ўроқ билан ўрди. Ҳовузга қисмининг ўрилган қисмига нисбати қанча?  
A)  $\frac{3}{14}$  B)  $\frac{3}{11}$  C)  $\frac{11}{14}$   
D)  $\frac{7}{11}$  E)  $\frac{7}{13}$
- Қиймати  $\frac{2}{7}$  бўлган каср соннинг макраж ва суратидан йни айирсак, каср  $\frac{1}{4}$  га тенг бўлди. Бу соннинг сурати макраждан қанча ортиқ?  
A) 10 B) 12 C) 15 D) 18 E) 21
- Бир ишни Али 2m кунда, Вали m кунда Гани m-4 кунда ва учаласи бирга  $\frac{m}{3}$  кунда қилсалар, m=?  
A) 18 B) 16 C) 15 D) 12 E) 10



- Бугун 60 ёш бўлган бир ота боласининг ёшида эканлигида боласининг ёши ота ёшининг ярмича эди. Шунга кўра боланинг бугунги ёши нечада?  
A) 20 B) 30 C) 35 D) 40 E) 45

12. 

В шаҳридан А ва С шаҳарларигача бўлган масофа тенг. В шаҳардан бир машина 2V тезлик билан ва С шаҳардан бошқа бир машина 3V тезлик билан А шаҳрига; А шаҳардан бошқа бир машина эса V тезлик билан С шаҳрига қараб бир вақтда йўлга чиқди. А дан йўлга чиққан машина, В дан йўлга чиққан машина билан t соат кейин учрашганидан неча соат ўтгач С дан йўлга чиққан машина билан учрашади?  
A) 2t B) t C)  $\frac{3t}{2}$  D)  $\frac{t}{3}$  E)  $\frac{t}{2}$

- Бир транспорт ўтиши керак бўлган йўлнинг тўртдан бирини V тезлик билан, қолганини эса 3V тезлик билан босиб ўтди. Шунга кўра, транспортнинг ўртача тезлиги қанча V бўлади?  
A) 2 B)  $\frac{4}{3}$  C)  $\frac{3}{2}$  D)  $\frac{4}{5}$  E)  $\frac{5}{4}$
- Бир киши килограмми 1500 тийинга олган 18 кг сутни килограмми 1200 тийинга олган 22 кг сут билан аралаштирди. Аралашган сутнинг килограмми неча тийиндан сотиши керакки, даромади 12% бўлсин?  
A) 1335 B) 1351,2 C) 1495,2  
D) 1522,5 E) 1536,2
- Бир ўқувчи бир романининг олдин 20% ини, сўнгра қолганининг 10% ини, ундан қолганининг 25% ини, энг сўнгида эса ундан қолганининг ярмини ўқиди. Романининг ўқилмаган қисми 108 бет бўлса, бутун роман неча бет?  
A) 240 B) 300 C) 360 D) 400 E) 420


- x тийиндан олинган мол 3x-450 тийиндан сотилса, 20% даромад келтиради. y тийиндан сотилса, 20% зарар кўрилади?  
A) 100 B) 180 C) 200 D) 240 E) 300

- Бир мол 20% даромад билан a тийинга сотилади, 20% зарар билан b тийинга сотилади. Бунга кўра a ва b қайси сонлар билан пропорционал?  
A) 2 ва 5 B) 2 ва 3 C) 3 ва 5  
D) 3 ва 7 E) 3 ва 2

- Бир сотувчи тарқатувчидан китобни ўз нарҳидан 44% камига олиб, харидорга ўз нарҳидан 16% камига сотади. Сотувчининг даромади неча фоиз?  
A) 28 B) 34 C) 46 D) 50 E) 60

- Ўқувчи бир имтиҳонда x+y та саволнинг x тасини тўғри, y тасини нотўғри ечди. Муваффақият неча фоиз?  
A)  $\frac{x}{x+y}$  B)  $\frac{x}{y}$  C)  $\frac{x}{100}$   
D)  $\frac{100x}{x+y}$  E)  $\frac{x}{100(x+y)}$

- Шақари 10% бўлган 15 кг шарбатга неча кг шакар қўшсак, шарбатдаги шакар 40% бўлади?  
A) 7,5 B) 12,5 C) 15 D) 18 E) 18,5



# ЕНГЛАМА ТУЗИШГА ОИД МАСАЛАЛАР

ТЕСТ - 4

1. Қайси соннинг учдан бири билан тўртдан бирининг йиғиндиси шу соннинг ярми билан 10 нинг йиғиндисига тенг?

- A) 30 B) 60 C) 90 D) 120 E) 150

2. Бир сотувчи 150 та тухумнинг, донасини 9 сўмдан олди. Ҳар бир тухумдан 1 сўмдан фойда олишни кўзлаб турибди. Агар 30 та тухум синиб қолса, кўзлаган фойдасини олиш учун қолган тухумларни неча сўмдан сотиши керак?

- A) 220 B) 225 C) 235 D) 240 E) 250

3. Бир савдогар 12 донасини 52 сўмдан қалам олмоқда. Савдогарга ҳар 12 та қалам олганда битта қалам совға этилмоқда. У сотиб олган қаламларининг донасини 5 сўмдан сотиб, 104 сўм фойда олди. Савдогар ҳаммаси бўлиб 12 доналик тўздан неча олган?

- A) 8 B) 10 C) 12 D) 14 E) 16

4. Бир мактабда 1100 та ўқувчи бўлиб ҳар йили 5 тадан камаймоқда. Бошқа бир мактабда эса 700 та ўқувчи бўлиб, ҳар йили 15 тадан ортмоқда. Неча йилдан кейин ҳар иккала мактабдаги ҳам ўқувчилар сони тенг бўлади?

- A) 12 B) 15 C) 18 D) 20 E) 24

5. 3 та дафтар, 2 та қалам, 5 та ўчирғич 23 сўм, 1 та дафтар 3 та ўчирғич 11 сўм. 1 дафтар, 1 қалам ва 1 ўчирғич неча сўм?

- A) 3 B) 6 C) 8 D) 10 E) 12

6. Бир сим 36 та тенг бўлакчаларга бўлинган. Худди шу сим 30 та бўлакка бўлинганда ҳар бир бўлак 1 см га узунроқ бўларди. Сим неча см бўлган?

- A) 120 B) 150 C) 180 D) 200 E) 240

7. Сотувчи бир миқдор газламанинг дастлаб  $\frac{4}{9}$  қисмини ва 10 м, кейин  $\frac{1}{3}$  қисмидан 8 м камроғини ва сўнгра қолган 18 м газламани сотди. Сотувчи иккинчи сотишда неча м газлама сотган?

- A) 20 B) 22 C) 28 D) 30 E) 38

8. Бир сотувчи донасини 155 сўмдан олган лаганларнинг  $\frac{1}{3}$  қисмини донасини 150 сўмдан,  $\frac{1}{4}$  қисмини донасини 200 сўмдан,  $\frac{1}{6}$  қисмини донасини 180 сўмдан ва қолганини донасини 120 сўмдан сотиб, 300 сўм фойда қилди. Нечта лаган сотилган?

- A) 45 B) 50 C) 60 D) 80 E) 90

9. Бир ишни, Али 8 кунда, Вали 24 кунда қилади. Иккаласи 2 кун бирга ишлагандан кейин Али кетиб қолди. Қолган ишни Вали неча кунда қилади?

- A) 8 B) 12 C) 15 D) 16 E) 18

10. 80 ёшли бир ота боласининг ёшида бўлганда, боласининг ёши отаси ёшининг  $\frac{2}{9}$  қисмига тенг эди. Боласининг ҳозирги ёши нечада?

- A) 30 B) 36 C) 42 D) 40 E) 45

11. А дан В га бир вақтда чиққан х ва у йўловчиларидан х В га борганда булардан 1 соат кейин А дан чиққан Z йўловчи 8 соатдан кейин у йўловчига йўлнинг ярмида етиб олган бўлса, Z тезлигининг х никига нисбати қанча?

- A) 9/4 B) 9/8 C) 9/10 D) 3/4 E) 9/16

12. Бир йўловчи А шаҳридан В шаҳрига 75 км/соат тезлик билан бориб, 100 км/соат тезлик билан қайтиб келди. Бориб-келишга 14 соат кетган бўлса, боришга неча соат кетган?

- A) 5 B) 6 C) 7 D) 8 E) 9

13. Бир сузувчи оқимга қарши сузиб 10 минутда 300 м га борди, 6 минутда орқага қайтиб келди. Сузувчининг тезлиги минутига неча м?

- A) 60 B) 50 C) 40 D) 30 E) 20

14. Бир автомобиль 790 км бўлган йўлнинг бир қисмини ўртача 80 км/соат тезликда, қолганини эса 65 км/соат тезликда юриб 11 соатда ўтди. Бу автомобиль 80 км/соат тезликда неча соат юрган?

- A) 3 B) 4 C) 5 D) 6 E) 7

15. Бир транспорт манзилга v тезлик билан бориб, 5v тезлик билан қайтиб келган бўлса, транспортнинг ўртача тезлиги неча v?

- A) 2 B)  $\frac{5}{3}$  C)  $\frac{6}{5}$  D) 3 E)  $\frac{3}{2}$

16. Машина 70 км/соат тезлик билан А шаҳридан В шаҳрига кетаётган, йўлнинг ярмига келганда тезлигини 50 км/соатга туширгани учун 3 соат кеч қолди. А ва В шаҳарлари орасидаги масофа неча км?

- A) 525 B) 775 C) 1050 D) 1250 E) 1500

17. Бир сонни ярмининг 20 фоизининг 15 фоизи p га тенг бўлса, бу соннинг 15 фоизи нечага тенг?

- A) p B) 3p C) 10p D) 100p E) 1000p

18. Саватдаги тухумларнинг a донаси янги, b донаси ачиган. b, a нинг 25 фоизига тенг бўлса тухумлардан неча фоизи янги?


- A) 20 B) 40 C) 60 D) 75 E) 80

19. Бир молнинг 20 фоизи 20 фоиз фойда билан, қолганининг 25 фоизи 5 фоиз фойда билан, қолганининг 50 фоизи 10 фоиз зарар билан сотилган бўлса, ортиб қолган мол неча фоиз фойда билан сотилса, ўртача фойда 15 фоиз бўлади?

- A) 20 B) 30 C) 35 D) 45 E) 50

20. Туз миқдори 30 фоиз бўлган 24 литр эритмага неча литр тоза сув қўшилса туз миқдори 20 фоиз бўлади?

- A) 15 B) 12 C) 10 D) 8 E) 6



# ЕНГЛАМА ТУЗИШГА ОИД МАСАЛАЛАР

ТЕСТ - 5

- Кетма-кет уч тоқ соннинг йигиндиси 231 бўлса, бу сонларнинг энг кичиги топилсин.  
A) 35 B) 37 C) 71 D) 75 E) 85
- 11 асосий ва 5 заҳирадаги футболчига бир миқдор пул тенг тарқатилди. Агар заҳирадаги футболчиларга пул берилмаса, асосий футболчилар 2500000 сўм қўшимча пул олишади. Ҳамма пулнинг миқдори неча миллион сўм?  
A) 55 B) 66 C) 77 D) 88 E) 99
- Бир қанча қаламнинг донаси 700 сўмдан сотилса 1600 сўм зарарга, агар 1000 сўмдан сотилса 3200 сўм фойдага сотилган бўлади. Қаламлар сони қанча?  
A) 12 B) 14 C) 16 D) 18 E) 20
- Бир шим, икки кўйлак ва тўрт пайпоқнинг нарҳи 280 сўм; беш шим, тўрт кўйлак ва икки пайпоқнинг нарҳи 380 сўм бўлса, бир шим, бир кўйлак ва бир пайпоқ нарҳи неча сўм?  
A) 90 B) 100 C) 110 D) 120 E) 130
- Бир одам тўғри чизик бўйлаб 10 қадам олдинга ва уч қадам орқага юриб ҳаракат қиляпти? Ҳаммаси бўлиб 180 қадам юрган бўлса неча қадам олдинга юрган?  
A) 81 B) 88 C) 91 D) 96 E) 100

- Бир хонада математика ва физика ўқитувчилари бор. Математика ўқитувчилари сони физика ўқитувчилари сонидан 3 марта кўп. Хонадан 2 математика ва 4 физика ўқитувчиси чиқиб кетса математика ўқитувчилари сони физика ўқитувчилари сонидан 5 марта кўп бўлади. Дастлаб ўқитувчилар сони қанча бўлган?  
A) 20 B) 21 C) 24 D) 10 E) 36
- Бир баққол а дюжина (12 та) қаламни, дюжинасини b сўмдан улгуржи сотувчидан сотиб оляпти. Улгуржи сотувчи баққолга ҳар дюжина билан бирга 2 қалам совға қилади. Баққол қаламларнинг ҳар донасини 2a сўмдан сотса қаламлардан 21a сўм фойда олади. Шунга кўра b неча бўла олади?  
A)  $\frac{a}{3}$  B) 28a-21 C) a D)  $\frac{2a}{3}$  E) 3a+14
- Бир идишнинг  $\frac{1}{3}$  қисми сув билан тўла. Бу сувнинг  $\frac{1}{4}$  қисми ишлатилгандан кейин унга яна 45 литр яна сув солинса идишнинг  $\frac{1}{8}$  қисми бўш қолади. Идишнинг ҳажми қанча?  
A) 72 B) 80 C) 84 D) 94 E) 102
- Ҳар 4 та хато жавоб бир тўғри жавобни бекор қилади, 60 саволлик бир синовда ҳар савол 5 балдан. Бу синовда ҳамма саволларни белгиланган бир ўқувчи 225 бал олган бўлса тўғри белгиланган саволлар сони қанча?  
A) 45 B) 48 C) 50 D) 52 E) 54
- Бир ишни Али 60 кунда, Вали 30 кунда қила олади. Шу ишни Али, Вали ва Жамол биргаликда 10 кунда бажарса, бу ишни Жамол бир ўзи неча кунда бажаради?  
A) 20 B) 25 C) 30 D) 35 E) 40



- Бир хонадаги кислород 12 кишига 20 соатга етади. 6 соатдан кейин хонага бир қанча одам кирди ва энди кислород хонадагилар учун 8 соатга етади. Хонага неча киши кирган?  
A) 9 B) 10 C) 11 D) 18 E) 17
- Сотувчи бир миқдор газламанинг  $\frac{1}{5}$  қисмини, кейин қолганининг ярмини сотди. Қолган газлама 14 м бўлса газламанинг ҳаммаси неча метр?  
A) 25 B) 35 C) 60 D) 70 E) 90
- Шаклда берилган x ва y жўмраги ҳовузни z жўмраги ёпиқ бўлганда 36 соатда тўлдиради. Ҳовузнинг тубидан  $\frac{1}{3}$  да жойлаштирилган z жўмраги ҳовузнинг  $\frac{1}{3}$  қисмини 18 соатда бўшатади. Жўмрақлар бир вақтда очилса, ҳовуз неча соатда тўлади?  
A) 72 B) 84 C) 36 D) 54 E) Тўлмайди
- Қайси сон ярмининг  $\frac{4}{9}$  қисмидан 1 ни айирса, 7 га тенг?  
A) 18 B) 24 C) 36 D) 48 E) 54
- Ота 39 ёшда бўлганида боласи 4 ёшда. Неча йилдан кейин отанинг ёши боласи ёшининг 6 бараварига тенг бўлади?  
A) 3 B) 4 C) 5 D) 6 E) 7

- Бир сузувчи тўдқинларга қар ми-нутига 12 м, тўдқинлар бўйлаб сузаяпти. Сузувчи денгизда фақат 42 минут қола олса, орқага қайта олиши учун қирғоқдан энг кўпи билан неча метр узоқлаша олади?  
A) 144 B) 288 C) 396 D) 422 E) 480
- Тезлиги 2V бўлган бир жисм А нуқтадан, тезлиги V бўлган бошқа жисм С нуқтадан бир вақтда бир-бирига тўғри чизик бўйлаб ҳаракат қилганларида, В нуқтада учрашадилар. Шунга кўра А дан йўлга чиққан жисм С нуқтага борганда С дан йўлга чиққан жисм ВА йўлнинг қанча қисмини ўтади?  
A)  $\frac{1}{2}$  B)  $\frac{1}{3}$  C)  $\frac{1}{4}$  D)  $\frac{3}{4}$  E)  $\frac{2}{3}$
- Сотувчи икки молдан бирини 40% фойда билан 840 тийинга, бошқасини 40% зарар билан 840 тийинга сотган бўлса, сотувчининг тижорати қандай бўлади?  
A) 300 тийин фойда B) 300 тийин зарар C) 320 тийин фойда D) 320 тийин зарар E) Ўзгармайди.
- Бир идишнинг 20%и бўш. Идишдаги сувнинг неча фоизи қадар сув қўшилса идиш тўлади?  
A) 15 B) 20 C) 25 D) 30 E) 40
- |      |
|------|
| % 20 |
| 8 л. |
| А    |

% 40
4 л.
В

% 60
4 л.
С


А идишда спирт миқдори 20% бўлган 8 литр, В идишда спирт миқдори 40% бўлган 4 литр С идишда спирт миқдори 50% бўлган 4 литр сууюқлик бор. А идишдаги сууюқликнинг ярми В идишга солингандан кейин В идишдаги аралашманинг ярми С идишга солинса, С идишдаги аралашманинг спирт миқдори қанча?  
A) 50 B) 45 C) 40 D) 35 E) 30

- Бир миқдор пул 5 кишига бўлиб берилганда ҳар бирига  $x$  сўмдан тушади. Худди шу пул 8 кишига бўлиб берилса киши бошига тушган пул қанчага камайд?  
A)  $3x/5$  B)  $x/2$  C)  $3x/4$  D)  $3x/7$  E)  $3x/8$
- Бир сотувчи 5 донасини 100 сўмдан бир миқдор тарвуз олиб, буларнинг ярмини 5 донасини 120 сўмдан, қолганини эса 7 донасини 150 сўмдан сотиб 1900 сўм фойда қилди. Тарвузлар сони қанча?  
A) 400 B) 500 C) 640 D) 700 E) 800
- Йигиндиси 86 бўлган уч сондан бири иккинчисидан 7 та кўп ва учинчисидан 15 та кам бўлса, катта сон топилсин.  
A) 26 B) 31 C) 33 D) 36 E) 41
- Бир синфда ўғил болалар сони қизлар сонидан 3 баравар кўп. Синфдан 3 та ўғил бола чиқиб, 3 қиз кирганда, қизларнинг сони ўғил болалар сонининг ярмисига тенг бўлади. Синфда дастлаб неча ўғил бола бўлган?  
A) 24 B) 26 C) 27 D) 29 E) 30
- Бир ишберувчи ишчиси билан 20000 сўм ва кийим бериш билан бир йилга шартлашди. Ишчи 8 ойдан кейин ишдан кетганда 12000 сўм ва кийим олди. Бунга кўра кийимнинг нархи неча минг сўм?  
A) 2 B) 3 C) 4 D) 5 E) 6

- Бир альпинист 20 метрлик тўсиқни ҳар уринишда 2 м юксалиб 1 метр пастга сирпаниб, чиқмоқда. Неча уринишда тўсиқни ошади?  
A) 20 B) 19 C) 10 D) 9 E) 18
- Бир мол  $3x-1$  сўмга олиниб  $\frac{x}{2} + 403$  сўмга сотилганда фойда кўрилса,  $x$  нинг қабул қилиши мумкин бўлган энг катта бутун қиймати қанча?  
A) 140 B) 129 C) 161 D) 80 E) 79
- Бир ишни тенг қобилиятли 3 ишчи биргаликда 12 кунда бажара олишади. Бу ишчиларнинг бири тезлигини 2 баробар оширса, яна бири эса ярмига туширса учаласи биргаликда худди шу ишни неча кунда бажара олишади?  
A)  $10\frac{2}{7}$  B)  $10\frac{3}{7}$  C)  $7\frac{2}{3}$   
D)  $7\frac{3}{7}$  E)  $5\frac{2}{7}$
- Бир бола пуlining  $\frac{2}{5}$  қисмидан 25 сўм кўпини, кейин қолганининг  $\frac{3}{5}$  қисмидан 25 сўм камини ишлатди. Ҳудди 375 сўм пул қолган бўлса, пуlining ҳаммаси неча сўм бўлган?  
A) 1200 B) 1375 C) 1425 D) 1500 E) 180
- Али пуlining  $\frac{1}{5}$  қисмини Валига берганида пуллари тенг бўлаяпти. Вали пуlining  $\frac{1}{3}$  қисмини Алига берганида Алининг барча пули 600 сўм бўлаяпти. Валининг пули неча сўм?  
A) 100 B) 200 C) 300 D) 400 E) 500

- Бир ишнинг ҳаммасини Али 60 кунда, Вали бўлса худди шу ишнинг тўртдан бир қисмини 9 кунда қила олади. Иккаласи биргаликда ишнинг учдан бир қисмини неча кунда бажара олади?  
A) 2,5 B) 7,5 C) 4 D) 5,5 E) 6
- Бир ишни Али билан Вали биргаликда 8 кунда қила олишади. Али 4 кун, Вали 5 кун ишлаганда ишнинг  $\frac{7}{12}$  қисми бажарилди. Али ишни бир ўзи неча кунда бажара олади?  
A) 10 B) 12 C) 18 D) 20 E) 24
- Оралари 960 км масофа бўлган иккита ҳаракат қилаётганлардан бири соатига 50 км, иккинчиси соатига 70 км тезлик билан бир-бирларига қараб бир вақтда ҳаракат бошлади. Неча соатдан кейин ораларидаги масофа 240 км бўлади?  
A) 4 B) 5 C) 6 D) 7 E) 8
- Битта ҳаракатланаётган одам йўлнинг  $\frac{1}{7}$  қисмидан кейин тезлигини 3 марта орттирди. Йўлнинг ҳаммасини 18 соатда босиб ўтганига қараганда дастлабки  $\frac{1}{7}$  қисмини неча соатда босиб ўтган?  
A) 4 B) 6 C) 8 D) 9 E) 12
- Соатига 30 км йўл босадиган бир мотоциклчи А шаҳридан, соатига 20 км йўл боса оладиган иккинчи бир мотоциклчи В шаҳридан бир вақтда ва бир йўналишда С шаҳрига томон ҳаракат қилмоқдалар. А шаҳридан йўлга чиққан мотоциклчи 120 км йўл босганда, В шаҳридан йўлга чиққан мотоциклчи С шаҳрига етиб келди. А шаҳри билан В шаҳрининг орасидаги масофа неча км?  
A) 100 B) 90 C) 80 D) 60 E) 40

- Бир мол  $a\%$  фойда билан сотилади;  $2\%$  зарари билан сотилган сўм сотиларди. Бунга кўра а ни топинг.  
A) 10 B) 12 C) 15 D) 20 E) 25
- Бир тўғри тўртбурчакнинг эни  $20\%$  орттирилиб, бўйи  $20\%$  камайтирилди. Юза қанчага ўзгарди?  
A)  $5\%$  ортди B)  $5\%$  камайд  
C)  $4\%$  ортди D)  $4\%$  камайд  
E) Ҳар қандай ўзгармади.
- $26\%$  фойда билан сут сотаётган сотувчи, сотувнинг охирида тарознинг  $16\%$  кам қилиб тортишини аниқлади. Буларга кўра фойда неча фоизни ташкил қилди?  
A) 10 B) 32 C) 42 D) 50 E) 52
- Шакар миқдори  $16\%$  ни ташкил қилган 25 литр шарбат билан шакарининг миқдори  $24\%$  бўлган 15 литр шарбат аралаштирилса, бу шарбатдаги шакар миқдори неча фоиз?  
A) 18 B) 19 C) 20 D) 21 E) 22
- Бир сотувчи молининг  $20\%$  ини  $40\%$  фойда билан сотди. Қолганини неча фоиз фойда билан сотиши керакки, сотувчининг бу сотишларидан фойдаси  $32\%$  бўлсин?  
A) 28 B) 26 C) 24 D) 32 E) 30



# ЕНГЛАМА ТУЗИШГА ОИД МАСАЛАЛАР

ТЕСТ - 7

1. Рақамлари бир хил бўлмаган, бир-биридан фарқи бешта икки хонали сонларнинг йигиндиси 130 га тенг. Бу сонларнинг энг каттаси кўпи билан неча бўлади?

- A) 90 B) 87 C) 85 D) 84 E) 81

2. Қаҳва ичаётган бир группа ўқувчилар қаҳва учун 200 сўмдан тўлаши керак эди. 5 ўқувчининг пули бўлмаганлиги сабабли қолганлар 250 сўмдан тўлашди. Гурппада неча киши бор?

- A) 20 B) 25 C) 30 D) 35 E) 40

3. 6 та қалам ва 4 та ўчирғичнинг нарҳи 48 сўм, 6 та ўчирғич ва 4 та қаламнинг нарҳи 42 сўм бўлса, бир қалам битта ўчирғичдан неча сўм қимматроқ?

- A) 6 B) 5 C) 4 D) 3 E) 1

4. Бир соннинг бешдан бирининг шу соннинг ўндан бирига нисбати қанча?

- A) 4 B) 2 C)  $\frac{1}{2}$  D)  $\frac{1}{4}$  E)  $\frac{1}{8}$

5. Бир зина пиллапояларидан 2 тадан чиқиб, учтадан тушган бир бола, чиқишда 16 қаддам кўпроқ юрди. Зинанинг пиллапоялари нечта?

- A) 90 B) 96 C) 102 D) 114 E) 126

6. Али пулининг аввал  $\frac{1}{4}$  қисмини, сўнгра қолган пулининг  $\frac{2}{3}$  қисмини ишлатди.

Қолган пулининг ярми 20000 сўм бўлса, дастлаб пул неча минг сўм эди?

- A) 100 B) 120 C) 140 D) 150 E) 160

7. Бир одам 24 стаканли 15 та қутининг биттасини 11520 сўмдан олди. Сотувчи сотиб олувчига ҳар бир қутига қўшиб, 3 та стакан текинга берди. 135 та стакан синса, зарар қилмаслик учун қолган стаканларнинг донасини у одам неча сўмдан сотиши керак?

- A) 480 B) 540 C) 640 D) 680 E) 720

8. Ҳовузни бир жўмрак 16 соатда, бошқа бир жўмрак 12 соатда тўлдиради. Шу ҳовузни бошқа бир жўмрак 48 соатда бўшатади. Учала жўмрак бирга очилса, бўш ҳовуз неча соатда тўлади?

- A) 6 B) 8 C) 10 D) 12 E) 16

9. Биргалиқда бир ишни бошлаган тенг қобилиятли 3 кишидан биринчиси ишнинг ярми қилингандан кейин, иккинчиси қолган ишнинг ярми қилингандан сўнг ишдан тўхтадилар. Учинчи ишчи ишни тамомлади. Иш 65 кунда қилинган бўлса, иккинчи ишчи неча кун ишлаган?

- A) 15 B) 20 C) 30 D) 35 E) 55

10. Бир синф ўқувчиларининг ўртача ёши 16. Ўғил болаларнинг ўртача ёши 18, қизларники 15 бўлса, қизлар сонининг ўғил болалар сонига нисбати нимага тенг?

- A) 3 B) 2 C) 1 D)  $\frac{1}{2}$  E)  $\frac{1}{3}$

11. 5 йил олдин отанинг ёши ўгли ёшидан 7 марта кўп эди, 5 йил кейин 3 марта кўп бўлишига қараганда, отанинг ҳозирги ёши нечада?

- A) 30 B) 32 C) 36 D) 38 E) 40

12. Бир идишда 4 қизил, 6 яшил ва 8 кўк шарча бор. Идишдан энг камида қанча шарча олинса, олинган шарчалар ичида камида битта кўк шарча бўлади?

- A) 5 B) 7 C) 9 D) 11 E) 15

13. Бир ҳаракатланувчи жисм 70км/с тезлик билан бироз юргандан сўнг тезлигини 100 км/с га чиқарди. Шу тариқа 880 кмлик йўлни 10 соатда босиб ўтди. Жисм 70 км/с тезлик билан неча соат юрган?

- A) 3 B) 4 C) 5 D) 6 E) 8

14. Соат 12 бўлишидан камида неча минут олдин катта ва кичик стрелкалар орасидаги бурчак 66° бўлади?

- A) 4 B) 6 C) 10 D) 12 E) 18

15. Ойша мактабга кетиш учун уйдан чиқди. Йўлнинг  $\frac{3}{8}$  қисмини босиб ўтгач, китобини унутганини тушунди. Мактабга ўз вақтида етиб келиши учун, энди у дастлабки тезлигини неча марта ошириши керак?

- A) 6/5 B) 9/5 C) 11/5 D) 13/5 E) 14/5

16. Бир айлананинг радиуси 10% тирилса, унинг юзаси неча қатна ортади?

- A) 10 B) 11 C) 20 D) 21 E) 100

17. 24 сўмга олинган молнинг учдан бири 12 сўмга, қолгани 18 сўмга сотилди. Бу тижоратдан қилинган фойда неча фоиз?

- A) 25 B) 30 C) 35 D) 40 E) 50

18. 10% солиқли молни 5500 тийинга олган харидор неча тийин солиқ тўлаган?


- A) 550 B) 500 C) 450 D) 400 E) 350


19.  $\frac{1}{x} = \frac{1}{y} + \frac{1}{z}$  ифодасида у ва z 20% камай-тирилса, x неча фоиз камайд?

- A) 20 B) 24 C) 25 D) 30 E) 40

20. 5% миқдорда кислотаси бўлган 42 литр ёғга неча литр кислотасиз ёғ қўшилса, ёғнинг кислотаси 3% ни ташкил этади?

- A) 30 B) 32 C) 34 D) 36 E) 28





# ЕНГЛАМА ТУЗИШГА ОИД МАСАЛАЛАР

ТЕСТ - 8

1. 24 кишилик бир синфда 90 та қалам 3 тадан ёки 6 тадан тарқатилганда неча ўқувчи 6 та қалам олади?

- A) 3 B) 5 C) 6 D) 7 E) 9

2. Қайси соннинг, 3 марта каттасидан бир ками билан шу соннинг бир кўпи йиғиндиси 200?

- A) 15 B) 42 C) 36 D) 50 E) 61

3. Лагерда 40 кишилик бир гуруҳнинг 60 кунга етадиган озиқ-овқати бор. 10 кундан сўнг неча одам кетиб қолса, озиқ-овқат қолганларга 80 кунга етади.

- A) 10 B) 15 C) 20 D) 25 E) 30

4. 2 кг олма, 1 кг беҳи ва 3 кг апельсин 220 сўм; 4 кг олма, 2 кг беҳи ва 9 кг апельсин 560 сўм бўлса 1 кг апельсин неча сўм?

- A) 20 B) 24 C) 30 D) 36 E) 40

5. Бир сотувчи донасини 10 сўмдан сотиб олган тухумлардан 15 тасини синдирди. Қолганларнинг донасини 15 сўмдан сотди ва 175 сўм фойда олди. Сотувчи неча тухум сотди?

- A) 80 B) 75 C) 70 D) 65 E) 60

6. Бир юк машинасига 7 яшик ва 15 қути ёки 13 яшик ва 6 қути сиғади. Бу машинадан 6 қути туширилса ўрнига неча яшик қўйиш мумкин?

- A) 2 B) 4 C) 5 D) 8 E) 9

7. Метри 500 сўмдан олинган бир тўп газламанинг  $\frac{1}{3}$  қисми метри 400 сўмдан,  $\frac{1}{4}$  қисми метри 500 сўмдан, қолганининг метри 600 сўмдан сотилиб, 400 сўм фойда олинди. Сотилган материал неча метр эди?

- A) 42 B) 48 C) 54 D) 62 E) 72

8. Бир юк машинаси юки билан бирга  $m$  кг. Юкининг бешдан бири бўшатилса оғирлиги  $\frac{7m}{8}$  кг бўлади. Юкининг оғирлиги неча кг?


- A)  $\frac{m}{3}$  B)  $\frac{3m}{4}$  C)  $\frac{11m}{5}$  D)  $\frac{13m}{5}$  E)  $\frac{5m}{8}$

9. Бир ишни Бахтиёр 24 кунда, Али 12 кунда, Вали 8 кунда қилади. Уччаси бирга бир кун ишлагандан кейин Бахтиёр кетди. Қолган ишни Али ва Вали неча кунда битиради?

- A) 2,7 B) 2,9 C) 3,2 D) 3,5 E) 3,6

10. Бир синфда ўғил болалар сони қизлар сонидан 3 баробар кўп. Ўғил болаларнинг ўртача ёши  $a$  ва қизларнинг ўртача ёши  $b$  бўлса, синфнинг ўртача ёши қанча?

- A)  $\frac{a+b}{2}$  B)  $\frac{3a+b}{2}$  C)  $\frac{3a+b}{4}$  D)  $\frac{a+3b}{4}$  E)  $\frac{4a+b}{4}$



11. Тезлиги 90 км/соат бўлган автомобиль А шаҳридан, тезлиги 75 км/соат бўлган автомобиль эса В шаҳридан С шаҳрига бир йўналишда боришарди. А шаҳридаги автомобиль 2 соат эрта чиққанида В шаҳридан чиққан автомобилни 6 соатдан сўнг учратарди. Буларга кўра А ва В шаҳарлари орасидаги масофа қанча?

- A) 200 B) 220 C) 240 D) 260 E) 280

12. Бир велосипеднинг олди гилдирагининг радиуси  $r$  см, орқа гилдирагининг радиуси эса  $3r$  см. Бу велосипед 36 л м йўл босиб ўтганда олди гилдирак орқадагидан 30 л мартаба кўп айланганга кўра  $r$  нинг қийматини топинг.

- A) 10 B) 20 C) 30 D) 40 E) 50

13. Тезлиги бир хил бўлган икки жисм бир-бирларига қараб бир пайтда ҳаракат бошлади. Бу жисмлардан бирининг тезлиги 30 км/соат бўлган шамол ёрдами билан йўлнинг  $\frac{7}{12}$  қисмини босиб ўтганда, иккинчи жисм билан учрашади. Жисмларнинг бошланғич тезликлари неча км/соат?

- A) 130 B) 145 C) 160 D) 180 E) 190

14. Бир автомобил тезлигини  $a$  км/соат камайтирса, масофани 8 соатда босиб ўтади.  $2a$  км/соат орттирса 4 соатда босиб ўтади. Масофа неча  $a$  км?

- A) 18 B) 20 C) 24 D) 32 E) 36

15. Бир қайиқ, тезлиги 16 м/сек бўлган тўлқинларга қарши 15 секундда 30 м сузади. Тўлқинлар йўналишини ўзгартирмасдан тезлигини  $\frac{3}{4}$  га камайтирса, қайиқ неча дақиқада шу нуқтадан бошланғич нуқтага қайтиб сузиб боради?

- A) 1 B) 2 C) 3 D) 4 E) 5

16. Бир сотувчи 6 лимон олган н. 5 лимон сотаяпти. Бу сотишдан сотувчи фойдаси неча фоиздир?

- A) 5 B) 10 C) 20 D) 25 E) 40

17. Бир соннинг 20% кўпи, ўша соннинг 20% камидан неча фоиз кўп?

- A) 20 B) 40 C) 50 D) 60 E) 80

18. Килограмми 255 сўмдан олинган нам совун қуриганида оғирлигининг 15% ини йўқотади. Қуруқ совуннинг килограмми неча сўм?


- A) 285 B) 290 C) 300 D) 315 E) 320

19. Бир сотувчи, қўлидаги молнинг 60% ини 5% фойда билан сотганида  $p$  сўм фойда қилади. Қолган молини 15% фойда билан сотганида молнинг ҳаммасидан неча сўм фойда қилади?

- A) 2p B) 3p C) 4p D) 5p E) 6p

20. Бир сутчи литрини 15 сўмдан олган 20 литр сутга 4 литр сув қўшиб уни 15 сўмдан сотади. Сотувчининг фойдаси неча фоиз?


- A) 5 B) 10 C) 12 D) 15 E) 20



# ТўПЛАМЛАР

ТЕСТ - 1

1.



Берилган расмга кўра  $B \setminus (A \cup B) = ?$

- A) {1,2,6}    B) {3,4,5}    C) {7,8}  
D) {6,7,8}    E) {1,2,6}

2.  $A = \{0,1,2,3,4,5\}$  тўпламининг қисм тўпламларидан нечтасида 1 элементи бўлмаган ҳолда 2 элементи бор?

- A) 4    B) 8    C) 16    D) 32    E) 64

3. Бир синф ўқувчиларининг 70 фоизиди қора қалам 45 фоизиди эса қизил қалам бор. Ўқувчиларнинг кўпи билан 9 тасида қизил қалам бўлса, синфда неча киши бор?

- A) 12    B) 15    C) 18    D) 20    E) 30

4.  $A \cup B = \{a, b, c, d, e, k, l\}$  ва  $B \cap C = \{a, k, e, l\}$  бўлса, қуйидагиларнинг қайсиниси  $A \setminus B$  бўла олади?

- A) {a,e}    B) {a,b,c}    C) {b,d,e}  
D) {b,k,l}    E) {b,d}

5.  $n$  та элементи бўлган  $A$  тўпламининг қисм тўпламлари сони  $B$  тўпламининг қисм тўпламлари сонидан 8 марта кўп бўлса,  $B$  тўпламда неча элемент бор?

- A)  $8n$     B)  $3n$     C)  $n+3$     D)  $n-3$     E)  $n-8$

6.  $A = \left\{ x: \frac{x}{5} = k, x < 100, x, k \in \mathbb{N} \right\}$  ва

$B = \left\{ x: \frac{x}{2} = k, x < 100, x, k \in \mathbb{N} \right\}$  бўлса,

$s(A \setminus B) = ?$

- A) 5    B) 10    C) 15    D) 20    E) 30

7. Туркча ёки инглизча билган 30 кишилик гурӯҳда фақат бир тили билган 24 киши бор бўлса, туркча ва инглизча билган неча киши бор?

- A) 4    B) 5    C) 6    D) 8    E) 12

8.  $\{a, b, c, d, e\}$  тўпламининг неча қисм тўпламида  $b$  ва  $c$  элементлари бирга қатнашмайди?

- A) 24    B) 28    C) 32    D) 18    E) 12

9.  $A = \{x: x < 700, x \in \mathbb{N}\}$  тўпламининг неча элементи 5 ёки 6 га бўлинади.

- A) 232    B) 238    C) 242    D) 248    E) 256

10. Автобустадаги йўловчиларнинг 32 тасида рўмолча ёки галстук бор. 15 тасида рўмолча йўқ. 19 тасида галстук йўқ. 6 тасида рўмолча ёки галстук йўқ. Шунга кўра рўмолча ва галстук бўлмаган неча киши бор?

- A) 5    B) 17    C) 28    D) 12    E) 37

11.  $A \subset B$ ,  $s(A \cap B) = 4$  ва  $s(A \cup B) = 10$  бўлса,  $A$  нинг қисм тўпламларининг сони энг оз нечта?

- A) 0    B) 2    C) 8    D) 16    E) 32

12.  $A = \left\{ x: \left| x - \frac{7}{2} \right| < \frac{7}{2}, x \in \mathbb{N} \right\}$  тўпламининг неча икки элементли қисм тўплами бор?

- A) 10    B) 15    C) 21    D) 28    E) 36

13.  $E = \{x: x < 10, x \in \mathbb{N}\}$ , ( $E$ : универсал тўплам)  
 $A = \{x: x < 5, x \in \mathbb{N}\}$  ва  $B = \{2, 4, 6, 8\}$  бўлса,  
 $s(A \cap B)' = ?$

- A) 4    B) 6    C) 7    D) 8    E) 9

14. Ўзбекча ёки Инглизча билганлардан иборат 40 кишилик бир синфда: Ўзбекча ва Инглизча билганларнинг сони Ўзбекча билмаганларнинг сонига тенг. Фақат Ўзбекча билганларнинг сони, фақат инглизча билганларнинг сонидан 3 марта кўп бўлса, Ўзбекча билмаганларнинг сони нечта?

- A) 12    B) 8    C) 6    D) 5    E) 4

15. Битта универсал тўпламининг  $A, B, C$  қисм тўпламлари учун,  $s(A) + s(B) = 12$ ,

$s(\bar{A}) + s(\bar{B}) = 18$  ва  $s(\bar{C}) = 96$  бўлса,  $s(C) = ?$

- A) 6    B) 5    C) 4    D) 3    E) 2

16.  $B \subset A$  ва  $C \subset A$  бўлса, берилган нечтаси тўғри?

- I.  $(B \cap C) \subset A$   
II.  $(B \cup C) \subset A$   
III.  $(B - C) \subset A$   
IV.  $A \cup B = A$   
V.  $A \setminus (B \cup C) = \emptyset$

- A) 1    B) 2    C) 3    D) 4    E) 5

17. 20 кишилик бир синфда кўк қалами ўқувчилар сони 13 та, қизил қалами бўлмаган ўқувчилар сони 11 та ва фақат қизил ёки фақат кўк қалами бўлган ўқувчилар сони 10 та бўлса, қизил ёки кўк қалами бўлмаган ўқувчилар сони нечта?

- A) 10    B) 12    C) 3    D) 14    E) 5

13.  $(A \setminus B) \setminus (A \cap B) = ?$

- A)  $A$     B)  $A'$     C)  $A \setminus B$     D)  $B \setminus A$     E)  $\emptyset$


19.  $A = \{x: x, 1727 \text{ сонининг рақами}\}$   
 $B = \{x: x, 2193 \text{ сонининг рақами}\}$

$A \cap B$  нинг қисм тўпламлари сони неча бўлади?

- A) 2    B) 4    C) 8    D) 16    E) 32

20.  $A$  тўплами 4 элементли ва  $B$  тўплами 3 элементли бўлса,  $A \cup B$  нинг қисм тўпламлари сони энг оз неча бўлади?


- A) 1    B) 8    C) 16    D) 32    E) 128



# ТўПЛАМЛАР


ТЕСТ - 2

1. Берилган шаклга кўра,  $A \setminus (A \cap B) = ?$



- A) {3} B) {4} C) {5} D) {4,5} E)  $\emptyset$

2. Берилган шаклга кўра штрихланган қисм қайси бири?



- A)  $C \setminus A$  B)  $C \setminus B$  C)  $C \setminus (A \cap B)$   
D)  $C \setminus (A \cup B)$  E)  $(A \cup B) \setminus C$

3.  $A \cap B$  нинг қисм тўпламлар сони 8. B нинг қисм тўпламлари 16 бўлса, A нинг энг ками билан неча қисм тўплами бор?

- A) 8 B) 16 C) 32 D) 64 E) 128

4.  $\{0,1,2,3,4\}$  тўпламининг неча қисм тўпламларида 3 сони йўқ?

- A) 8 B) 12 C) 16 D) 24 E) 27

5.  $\{0,1,2,3,4,5\}$  тўпламининг неча қисм тўпламида 2 ёки 4 дан энг камида биттаси бор?

- A) 60 B) 56 C) 52 D) 48 E) 36

6. A, B ва C тўпламларининг элементлари сони 3, 5 ва 7 та.  $s(A \cap B \cap C)$  энг кўпи билан неча?

- A) 2 B) 3 C) 5 D) 7 E) 15

7.  $A = \{x \mid x^2 > 25 \text{ ва } x \in \mathbb{Z}\}$   
 $B = \{x \mid |x| \leq 6 \text{ ва } x \in \mathbb{N}\}$

A ва B тўпламлари берилган.  $A \cap B$  нинг қисм тўпламлари сони неча?

- A) 1 B) 2 C) 8  
D) 256 E) Битта ҳам йўқ

8.  $s(A) = 7$  ва  $s(B) = 10$  бўлсин.  $s(A \cup B)$  энг камида m ва энг кўп n бўлса,  $n - m = ?$

- A) 3 B) 7 C) 10 D) 14 E) 17

9. A нинг 2 та, B нинг 3 та элементи  $A \cap B$  нинг элементи эмас.  $A \cup B$  нинг қисм тўпламлари сони энг камида неча бўла олади?

- A) 8 B) 16 C) 32 D) 64 E) 128

10.  $A \subset B$  ва  $A \cap B$  нинг  $\emptyset$  дан ташқари 31 қисм тўплами бўлса, A нинг қисм тўпламлари сони энг ками билан неча?

- A) 16 B) 32 C) 64 D) 128 E) 256

11. 24 кишилик синфда 8 киши Самарқандга борган 11 киши эса Бухорога бормаган. Бунга кўра фақат Бухорога борганларнинг сони, фақат Самарқандга борганларнинг сонидан қанча кўп?

- A) 5 B) 6 C) 7 D) 8 E) 9

12.  $s(A \cap B) = 12$  ва  $s(A \setminus B) = 3 \cdot s(A \cap B)$  бўлса, B нинг қисм тўпламлари сони энг камида қанча?

- A) 1 B) 4 C) 8 D) 16 E) 32

13. 24 кишилик синфда математикаси қониқарсиз бўлганлар сони, физикаси қониқарсиз бўлганлар сони, математика ёки физикаси қониқарсиз бўлмаганлар сони тенг. Математика ва физикаси қониқарсиз бўлганлар 3 та бўлса, фақат математикаси қониқарсиз бўлганлар неча?

- A) 4 B) 6 C) 8 D) 9 E) 10

14. Немисча, Инглизча ёки Французча биланлардан иборат бўлган 50 кишилик гуруҳда фақат бир тил билганларнинг сони тенг. Фақат иккита тил билганларнинг сони ҳам ўзаро тенг. Фақат икки тил билганларнинг сони, фақат 1 тил билганларнинг сонидан 2 марта кўп, ва фақат бир тил билганларнинг сони 3 тилни билганларнинг сонидан 3 марта кўп бўлса, фақат инглизча билганларнинг сонини топинг.

- A) 5 B) 6 C) 8 D) 10 E) 12

15. Бир тўпламининг 4 элементли қисм тўпламлари сони, 6 элементли қисм тўпламлари сонига тенг бўлса, бу тўпламининг энг кўпи билан 3 элементли қисм тўпламлари сонини топинг.

- A) 141 B) 146 C) 154 D) 168 E) 176

16. Математика ёки физикадан аъдан ўқувчиларнинг 65% и математикадан 50% и физикадан аълочи. Фақат математикадан аълочи бўлган ўқувчилар сони 10 та бўлса, физикадан аълочи бўлган ўқувчилар сонини топинг.

- A) 10 B) 8 C) 7 D) 4 E) 3

17.  $S(A \cap B) = 8$ ,  $S(A) = 13$  ва  $B \subset A$  бўлса B нинг энг камида неча элементи бор?

- A) 0 B) 1 C) 4 D) 5 E) 6

18. Бир синфдаги ўқувчиларнинг 70%ида қора қалам, 35%ида қизил қалам бор. Синфнинг энг кўпи билан неча фоизида ҳам қора, ҳам қизил қалам бор?

- A) 5 B) 15 C) 35 D) 45 E) 70


19. Бир синфдаги ўқувчиларнинг 70%ида қора, 35%ида қизил қалам бор. Синфнинг энг ками билан неча фоизида ҳам қора, ҳам қизил қалам бор?

- A) 5 B) 15 C) 35 D) 45 E) 70

20.  $(A \cup \emptyset) \setminus (A \cap \emptyset) = ?$

- A) A B)  $A'$  C) E  
D)  $\emptyset$  E) Тўғри жавоб йўқ





# МАНТИҚ

## ТЕСТ - 1

1. Қуйидагилардан қайси бири мантиқан нотўғри жумла?

- A)  $x=2$  бўлса,  $3x>10$
- B) Бугун сешанба.
- C)  $x=4a$  бўлса,  $3x$  12 га бўлинади.
- D) Эртага, Али келса.
- E) Али Измирлидир.

2. Қайси бири мантиқий жумла?

- A) Келдинг ми?
- B) Жуда ҳам ақллисан.
- C) Ишонаманки бажара оласан.
- D) Ҳамма одамлар оқ танлидир.
- E) Бор кет.

3.  $p$ : Қор оқдир.

$q$ : Бу киш Тошкентда қизил қор ёғди.

Қуйидагилардан қайси бири рост?

- A)  $p \wedge q$
- B)  $p' \Rightarrow (p \wedge q)$
- C)  $(p \wedge q) \Leftrightarrow p$
- D)  $p \wedge (q \Leftrightarrow p)$
- E)  $p \Leftrightarrow q$

4.  $p \vee q$  тасдиқ ёлгон бўлса, қуйидагилардан қайси бири рост?

- A)  $p \Rightarrow q$
- B)  $p \wedge q$
- C)  $p \Leftrightarrow q$
- D)  $p' \wedge q$
- E)  $p \Rightarrow q'$

5.  $(p \wedge q) \Rightarrow (p' \vee r)$  тасдиқ ёлгон бўлса, буларнинг қайси бири ёлгон?

- A)  $p \vee q \vee r$
- B)  $p \vee (q \wedge r)$
- C)  $p \Rightarrow (q \wedge r)'$
- D)  $(p \wedge q) \vee r$
- E)  $(p \wedge q) \Leftrightarrow r$

6.  $p \vee (q \wedge r) \equiv 0$  бўлса,  $(p, q, r) \equiv ?$

- A) (0,0,0)
- B) (0,1,0)
- C) (1,0,1)
- D) (0,0,1)
- E) (0,1,1)

7.  $p \Rightarrow (q \vee r)$  ифоданинг инкори қайси биридир?

- A)  $p$
- B)  $q$
- C) 1
- D) 0
- E)  $p \wedge q$

8. Қуйидагилардан қайси бирининг қиймати доим 0?

- A)  $p \wedge p'$
- B)  $p \vee p'$
- C)  $p \Rightarrow p'$
- D)  $p \wedge p$
- E)  $p \vee p$

9.  $(p \wedge q) \Rightarrow (p' \vee q)$  ифоданинг инкори қайси бири?

- A)  $(p' \vee q) \Rightarrow (p \wedge q)$
- B)  $(p \wedge q) \Rightarrow (p' \vee q)$
- C)  $(p' \wedge q) \Rightarrow (p \vee q')$
- D)  $(p' \vee q) \Rightarrow (p' \wedge q')$
- E)  $(p \vee q) \Rightarrow (p' \wedge q')$

10. "Ишласа бажаради" тасдиғининг тескари-си қайси бири?

- A) Бажарса ишлаган.
- B) Ишламаса бажаролмас.
- C) Бажара олмас, ишлаган.
- D) Бажармаса ишламайди.
- E) Ишласа бажара олмас.

11. Қуйидаги тасдиқлардан қайси бири нотўғри?

- A)  $a \cdot b = 0 \Rightarrow a = 0 \vee b = 0$
- B)  $a = 4 \Rightarrow a^2 = 16$
- C)  $a \cdot b > 0 \Rightarrow a > 0 \wedge b > 0$
- D)  $a^2 < a \Rightarrow 0 < a < 1$
- E)  $a > 1 \Rightarrow \frac{1}{a} < 1$

12. Қуйидаги тасдиқлардан қайси бири тўғри?

- A)  $a^2=9 \Rightarrow a=3$
- B)  $a-b=0 \Rightarrow a=b=a^2$
- C)  $a+b=3 \Rightarrow a=2 \wedge b=1$
- D)  $\frac{a}{b} = 0 \Rightarrow a=0 \vee b \neq 0$
- E)  $a < 0 \Rightarrow a^3 > 0$


13.  $p \Rightarrow (p \vee q)$  тасдиқ қайси бирига тенг?

- A)  $p$
- B)  $q$
- C)  $p'$
- D) 1
- E) 0

14.  $(p \wedge q) \Rightarrow (q \vee r) \equiv 0$  бўлса,  $(p, q, r) \equiv ?$

- A) (1,0,0)
- B) (1,1,0)
- C) (1,1,1)
- D) (0,1,0)
- E) (0,0,1)

15. Шаклдаги электр занжирга тўғри келадиган формула қайси бири?



- A)  $a \wedge [b \vee e \wedge (c \wedge d)] \wedge f$
- B)  $a \vee [b \vee (c \wedge d) \vee e] \wedge f$
- C)  $a \wedge [b \vee (c \wedge d) \vee e] \wedge f$
- D)  $a \wedge [b \vee (c \wedge d) \wedge e] \wedge f$
- E)  $a \vee [b \wedge (c \vee d) \wedge e] \vee f$



16.  $[\forall x, x > 0 \text{ ёки } x \leq 0] \equiv ?$

- A)  $\exists x, x < 0 \text{ ёки } x \geq 0$
- B)  $\exists x, x < 0 \text{ ва } x \geq 0$
- C)  $\exists x, x \leq 0 \text{ ёки } x > 0$
- D)  $\exists x, x \leq 0 \text{ ва } x > 0$
- E)  $\exists x, x < 0 \text{ ёки } x \geq 0$


17.  $[\forall x, x^2=4] \text{ бўлса, } [\exists x, x=2] \equiv ?$

- A)  $(\forall x, x^2=4) \text{ ва } (\forall x, x \neq 2)$
- B)  $(\exists x, x^2 \neq 4) \text{ бўлса, } (\forall x, x \neq 2)$
- C)  $(\exists x, x^2 \neq 4) \text{ ва } (\forall x, x \neq 2)$
- D)  $(\forall x, x^2=4) \text{ ва } (\exists x, x=2)$
- E)  $(\exists x, x^2=4) \text{ ёки } (\forall x, x=2)$

18.  $(p \vee q) \Rightarrow q$  тасдиқ қайси бирига тенг?

- A)  $p \vee q'$
- B)  $p' \vee q$
- C)  $p \wedge q'$
- D)  $p' \vee q'$
- E)  $p \vee q$


19. Шаклдаги электр занжирга тўғри келувчи формула қайси бири?



- A)  $[1 \vee (0 \wedge 1)] \vee [(0 \vee 1) \wedge 0]$
- B)  $[1 \vee (0 \wedge 1)] \vee [(0 \wedge 1) \vee 0]$
- C)  $1 \vee (0 \wedge 1) \vee (0 \vee 1) \wedge 0$
- D)  $[(1 \vee 0) \wedge 1] \vee [(0 \vee 1) \vee 0]$
- E)  $[1 \vee (1 \wedge 0)] \vee [0 \wedge (0 \vee 1)]$

20.  $(p' \wedge q) \Rightarrow (p \vee q')$  тасдиқ қуйидагилардан қайси бирига тенг?


- A)  $p \wedge q$
- B)  $p' \vee q$
- C)  $p' \wedge q$
- D)  $p' \vee q'$
- E)  $p \vee q'$



# МУНОСАБАТ- ФУНКЦИЯ

ТЕСТ - 1

1.  $A=\{1,3\}$  ва  $B=\{y: 1 \leq y < 2, y \in \mathbb{R}\}$  бўлса,  $A \times B = ?$



2.  $A=\{0,1,2\}$  ва  $B=\{0,2\}$  тўпламлари берилган.  $A \times B$  да берилган муносабатларнинг нечтаси йкки элементлидир?

- A) 35 B) 24 C) 10 D) 12 E) 15

3.  $A = \{x: |x| < 3, x \in \mathbb{Z}\}$   
 $B = \{x: x < 6, x \in \mathbb{N}\}$  тўпламлари берилган. Қуйидагиларнинг қайси бири  $A \times B$  нинг элементи эмас?

- A) (0,1) B) (-2,5) C) (2,2)  
D) (0,4) E) (3,1)

4.  $f(x) = 4x^2$  бўлса,  $f\left(\frac{x-1}{2}\right)$  нинг  $f(x)$  га боғлиқ қиймати қайси бири?

- A)  $\frac{\sqrt{f(x)}}{8}$  B)  $2\sqrt{f(x)}$  C)  $8\sqrt{f(x)}$   
D)  $[f(x)]^3$  E)  $8[f(x)]^2$

5.  $f(x-2) = x^3 - 3x^2 + 3x - 1$  бўлса,  $f^{-1}(x) = ?$

- A)  $\sqrt{x} - 1$  B)  $\frac{x-1}{3}$  C)  $\sqrt[3]{x-1}$   
D)  $x^3 + 1$  E)  $\sqrt[3]{x+1}$

6.  $f\left(\frac{x+3}{2x-3}\right) = x^2 - 2x - 3$  бўлса,  $f^{-1}(-3) + f^{-1}(0)$  ифода қуйидагилардан қайси бири бўлади?

- A) -1 B) 2 C) -2/5 D) 4 E) -7/5

7.  $f: \mathbb{R}^2 \rightarrow \mathbb{R}, f(x,y) = x + xy$   
 $g: \mathbb{R} \rightarrow \mathbb{R}^2, g(x) = (x^2, x+2)$  бўлса,  
 $(g \circ f)(-3, 2) = ?$

- A) (3,8) B) (8,15) C) (1,4)  
D) (36,8) E) (2,11)

8.  $[(f \circ g) \circ (f^{-1} \circ g^{-1})](x) = 9x - 4$  бўлса,  $f^{-1}(5) = ?$

- A) -2 B) 2 C) 4 D) 5 E) 7

9.  $(f \circ g)(x) = \frac{3x-5}{x+12}$  ва  $f(x) = 2x + 3$  бўлса,  
 $g(x) = ?$

- A)  $\frac{9x-26}{x+12}$  B)  $\frac{-41}{2x+24}$  C)  $\frac{41}{2x+24}$   
D)  $\frac{-9x+26}{x+12}$  E)  $\frac{x-41}{x+12}$

10.  $f(x) = x^2 - 4$  бўлса,  $f(4x)$  нинг  $f(x)$  га боғлиқ қиймати қайси бири?

- A)  $4f^2(x) - 16$  B)  $16f(x) - 4$  C)  $2f(x) - 4$   
D)  $4f(x) + 4$  E)  $16f(x) + 60$

11.  $f(2x-1) = 4x-5$  бўлса,  $f^{-1}(x) = ?$

- A)  $\frac{x-2}{3}$  B)  $\frac{x-7}{2}$  C)  $\frac{x+3}{2}$   
D)  $\frac{x-3}{3}$  E)  $\frac{x}{3}$

12.  $f\left(\frac{x+a}{2x+1}\right) = \frac{x+1}{x-3}$  ва  $f^{-1}(5) = \frac{1}{9}$  бўлса,  $a = ?$

- A) -10 B) -8 C) -5 D) -3 E) -1

13.  $A = \{1, 2, 3\}$  тўплагининг икки ўрин алмаштириши бўлса,  $f = \begin{pmatrix} 1 & 2 & 3 \\ 3 & 1 & 2 \end{pmatrix}$  ва  $g = \begin{pmatrix} 1 & 2 & 3 \\ 1 & 2 & 3 \end{pmatrix}$  бўлса,  $(f \circ g)(3) + (g \circ f)(3) = ?$

- A) 1 B) 2 C) 3 D) 4 E) 5


14.  $[(f \circ g)^{-1} \circ f](x) = 4x - 3$  бўлса,  $g(5) = ?$

- A) 2 B) 7 C) 13 D) 17 E) 23

15.  $f(x) = -x^2 + 3x$ ,  $(g \circ f)(x) = -2x^2 + 6x + 3$  бўлса,  
 $g^{-1}(-1) = ?$

- A) -8 B) -5 C) -2 D) -1 E) 0

16. Графиклари берилган  $f(x)$  ва  $g(x)$  функциялари учун



$(f \circ g \circ f)(0) = ?$

- A) 1 B) 2 C) 3 D) 4 E) 5

17.  $(x-2) \cdot f(x-2) + f(2x) + f(x+2) = x+6$  бўлса,  $f(4) = ?$

- A) 2 B) 3 C) 4 D) 13 E) 41

18.  $f(x) = \frac{x-16}{x+8}$ ,  $\mathbb{R} - \{-8\}$  да берилган функция.  $f(x)$  функциясининг графигида абсциссаси ва ординатаси бутун сон бўлган нечта турли нуқта бор?


- A) 4 B) 9 C) 12 D) 16 E) 24


19.  $f(x+1) = 2f(x) - f(x-1)$ ,  $f(1) = 6$  ва  $f(2) = 5$  бўлса,  $f(5) = ?$

- A) 4 B) 3 C) 2 D) 1 E) 0

20.  $(g \circ f)(x) = \frac{x+3}{2x+3}$  ва  $f(x) = \frac{x-2}{3}$  бўлса,  
 $g(x) = ?$

- A)  $\frac{x+5}{3x+1}$  B)  $\frac{3x+5}{6x+7}$  C)  $\frac{x+3}{3x+1}$   
D)  $\frac{3x+5}{x+7}$  E)  $\frac{2x+1}{x+3}$





# МУНОСАБАТ - ФУНКЦИЯ

ТЕСТ - 2

1.  $A = \{x: x \leq 6, x \in \mathbb{Z}^+\}$  да  $\beta = \{(x, y): x | y, x, y \in A\}$  берилган.  $\beta$  учун берилганлардан қайси бири нотўғри?

- A) Акслантириш
- B) Симметрик муносабат
- C) Транзитив муносабат
- D) Анти-симметрик муносабат
- E) Тартиб муносабати

2.  $(x+y^2, x-3) = (4, \frac{5}{3+x})$  бўлиши мумкин бўлган қанча ҳар хил  $(x, y)$  жуфтлиги бор?

- A) 8
- B) 4
- C) 2
- D) 1
- E) 0

3.  $A \times B = \{(2,1), (2,2), (2,3), (4,1), (4,2), (4,3)\}$  бўлса,

$B \setminus A$  дан  $A$  га қанча ҳар хил муносабат бор?

- A) 0
- B) 1
- C) 2
- D) 4
- E) 16

4.  $\beta = \{(x, y): x^2 + x = y^2 + y\}$  муносабат  $\forall x, y \in \mathbb{Z}$  учун тенглик муносабатидир.  $\beta$  га кўра 3 нинг тенглик синфи қайси биридир?

- A)  $\{2, -3\}$
- B)  $\{-4, 3\}$
- C)  $\{-3, 4\}$
- D)  $\{-2, 3\}$
- E)  $\{-3, -4\}$


5.  $\mathbb{R}$  дан  $\mathbb{R}$  га берилган қуйидаги функциялардан қайси бири тескарилана-нувчи?

- A)  $y = 3x - 2$
- B)  $y = x^2$
- C)  $y = x^3 - 3x$
- D)  $y = \sin x$
- E)  $y = 7^x$

6.  $f(x) = 3x^2$  ва  $g(x) = 9^x$  бўлса,  $(f \circ g)(x) = ?$

- A)  $3^{2x+1}$
- B)  $9^{x+1}$
- C)  $9^{2x+1}$
- D)  $3^{4x+1}$
- E)  $3^{3x+1}$

7.  $(f \circ f)(2) = ?$




- A) 2
- B) 3
- C) -1
- D) 0
- E) -3

8.  $f(x) = \begin{cases} -1, & x \geq 3 \\ x+2, & -3 < x < 3 \\ -2x, & x \leq -3 \end{cases}$  ва  $g(x) = \begin{cases} 2, & x < 3 \\ 2x+1, & x \geq 3 \end{cases}$

бўлса,  $(f \circ g)(4) + (f \circ g)(0) + (f \circ g)(-5) = ?$

- A) -15
- B) -10
- C) -5
- D) 10
- E) 15

9. Ёндаги графикда берилган тўплам қуйидагилардан қайси биридир?



- A)  $(1, 2) \times [1, 3]$
- B)  $(1, 3) \times [1, 2]$
- C)  $[1, 3) \times [1, 3]$
- D)  $[1, 3) \times [1, 2]$
- E)  $(1, 2) \times (1, 3)$

10.  $f: \mathbb{R} \rightarrow \mathbb{R}$ ,  $f(x) = x^7 - 11$  бўлса,  $f^{-1}(117) = ?$

- A) -2
- B) 1
- C) 0
- D) 1
- E) 2

11.  $f(x) = \frac{x-3}{2}$  бўлса,  $f(4x-1)$  нинг  $f(x)$  га боғлиқ қиймати қайси бири?

- A)  $4f(x)+4$
- B)  $4f(x)+1$
- C)  $f(x)+4$
- D)  $f(x)-1$
- E)  $4f(x)-1$

12.  $x > 5$ ,  $f(x) = x^2 - 6x + 14$  ва  $g(x) = x + 5$  бўлса,  $(f^{-1} \circ g)(x) = ?$

- A)  $\sqrt{x-5}$
- B)  $\sqrt{x}-5$
- C)  $\sqrt{x}+3$
- D)  $\sqrt{x+3}$
- E)  $\sqrt{x}-3$

13.  $f(x)$  чизиқли функциядир

$f^{-1}(0) = 3$  ва  $f(1) = -4$  бўлса,  $f(4) = ?$

- A) 1
- B) 2
- C) 3
- D) 4
- E) 5

14.  $A = \{0, 1, 2, 3, 4\}$  тўплами берилган.  $A$  дан  $A$  га берилган муносабатларнинг нечасида 2 элементи ёки 3 элементи бирга қатнашмайди?

- A)  $2^6$
- B)  $2^7$
- C)  $2^8$
- D)  $2^9$
- E)  $2^{10}$

15.  $A = \{1, 2, 3\}$  тўпламининг икки ўрин алмаштириши  $f$  ва  $g$ . Агар

$f = \begin{pmatrix} 1 & 2 & 3 \\ 2 & 1 & 3 \end{pmatrix}$  ва  $f \circ g = \begin{pmatrix} 1 & 2 & 3 \\ 3 & 1 & 2 \end{pmatrix}$  бўлса,  $g^{-1} = ?$

- A)  $\begin{pmatrix} 1 & 2 & 3 \\ 2 & 1 & 3 \end{pmatrix}$
- B)  $\begin{pmatrix} 1 & 2 & 3 \\ 2 & 3 & 1 \end{pmatrix}$
- C)  $\begin{pmatrix} 1 & 2 & 3 \\ 1 & 3 & 2 \end{pmatrix}$
- D)  $\begin{pmatrix} 1 & 2 & 3 \\ 3 & 1 & 2 \end{pmatrix}$
- E)  $\begin{pmatrix} 1 & 2 & 3 \\ 3 & 2 & 1 \end{pmatrix}$

16. Ҳа бир тенглик муносабати,

$$\beta = \{(x, y): x^2 - 3y = y^2 - 3x\}$$

бўлса, 2 нинг тенглик синфи қайси бири?

- A)  $\{0, 2\}$
- B)  $\{-5, 2\}$
- C)  $\{2, 5\}$
